O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV.N




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2004 йил 30 ноябрь, № 247 (3522) Сешанба




***Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи 29 ноябрь куни якунловчи йиғилиш ўтказди. Йиғилишни ишчи гуруҳи раҳбари — Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Бугров олиб борди.***

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Йиғилишда тайёргарлик даврида қилинган ишлар юзасидан кичик гуруҳлар раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Сессия муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳалари ва бошқа материаллар депутатларга ўз вақтида юборилганлиги маълумот учун қабул қилинди. Сиёсий партияларнинг депутатлар фракциялари ва ҳокимият вакиллик органлари ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокларидан, сайловчилардан, муассасалар ва жамоат бирлашмаларидан тушган таклифлар Олий Мажлис қўмиталари ҳамда комиссияларида диққат билан ўрганилиб, қонун ҳужжатларини маромига етказишда ҳисобга олинди. Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг, ишчи гуруҳининг фаолияти сессияга тайёргарлик кўриш даврида оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилди. Сессия иши даврида депутатларга ташкилий-техник хизмат кўрсатиш, улар учун зарур шароитлар яратиш масалалари ҳам ҳал этилди.

Йиғилишда шу нарса таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги кутилаётган ижроси масаласи ҳамда мамлакатимизнинг 2005 йилга мўлжалланган асосий молиявий ҳужжати лойиҳаси, жамият турмушининг турли соҳаларида ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган қонун лойиҳаларининг сессияда муҳокама этилиши давлатимиз учун катта аҳамиятга эга.

Қонунларнинг лойиҳалари устидаги ишларни давом эттириш, тушаётган таклиф ва мулоҳазаларни диққат билан ўрганиб бориш ҳамда ҳисобга олиш зарурлиги айтилди. Йиғилишда тегишли хизмат бўлинмаларининг ахборотлари ҳам эшитилди.

Депутатлар ишчи гуруҳи, йиғилишнинг иштирокчилари олиб борилган тайёргарлик ишлари иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн олтинчи сессиясини сиёсий ва ташкилий жиҳатдан юксак савияда ўтказишга кўмаклашади, деб ишонч билдирдилар.

## ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН ҚАДРЛИ

***Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни мазкур қўмита раиси И. Кочмарик бошқарди.***

Мажлисда Олий Мажлиснинг навбатдаги XVI сессияси кун тартибига тавсия этилган масалалар муҳокама қилинди. Депутатлар давлат бюджетининг жорий йилдаги бажарилиши юзасидан кутилаётган натижалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилдаги давлат бюджети лойиҳаси тўғрисидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратдилар.

Шу билан бирга мажлисда "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Фарғона вилоятида бажарилиши юзасидан вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Жалилов ҳисоботи тингланди.

Таъкидландики, кейинги пайтда вилоятда халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири бўлган автомобиль йўлларини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш борасида салмоқли натижаларга эришилди. Хусусан, автомобиль йўллари қурилиши ва қайта таъмирланиши бўйича катта ҳажмдаги ишлар олиб борилмоқда. Бу борада устувор режалар белгиланган.

Автомобиль йўлларига хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар фаолиятида бозор механизми, иқтисодий ҳисоб-китоб ва рақобатчилик омиллари кенг татбиқ этилмоқда.

Шу билан бирга вилоятдаги умумий фойдаланиш йўлларининг анча қисми халқаро андозаларга жавоб бермайди. Кўчалар ва хўжаликлар ичидаги йўлларнинг асосий қисми ҳаракат хавфсизлиги қоидалари талабларига мос эмас.

Йиғилишда автомобиль, темир йўл ва авиация транспортлари орқали йўловчи ташишни кўпайтириш имкониятлари борасида ҳам сўз юритилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн олтинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси 2004 йил 2 декабрь куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

### *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 1 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

### *Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига*

Олий Мажлисда 30 ноябрь куни соат 15.00 да Фидокорлар миллий демократик партияси ва "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши эса ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида 30 ноябрь куни соат 16.30 да бўлади.

Олий Мажлисда 1 декабрь куни соат 15.00 да "Адолат" социал-демократик партиясининг фракцияси, ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилади.

*Шовот тумани савдо шохобчаларида сотилаётган турли-туман, сифатли нон ва нон маҳсулотлари аҳолига манзур келмоқда.*



## Ширин, мазали, сифатли



*Шунингдек, корхонада гуручдан ҳам турфа маҳсулотлар ишлаб чиқарилаяпти. Ўз фаолиятини бошлаганига қарийб ярим аср бўлган ушбу корхона яқинда замонавий технология билан тўлиқ жиҳозланди. Бу эса ишлаб чиқарилаётган турли маҳсулотларнинг сифатли бўлишини таъминламоқда.*

**СУРАТЛАРДА: ўз ишининг устаси Расул Абдуллаев; "Шовотдонмаҳсулотлари" очиқ акциядорлик жамияти қошидаги "Иссиқ нон" кичик корхонасида.**

**Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ**
**(ЎзА) олган суратлар.**

## *Мурувват манзили*

Ўзбекистон Ногиронлар жамияти республикамиздаги ногиронларни бирлаштириб турувчи, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи ташкилот сифатида фаолият юритиб келади. Куни кеча ушбу ташкилот ҳар томонлама қулай ва замонавий бинога кўчиб ўтди.

— Шу пайтга қадар кўп қаватли бинода фаолият кўрсатардик, — дейди жамиятнинг етакчи ходими Сайёра Магрупова. — Бугунги бир қаватли бино эса, жамиятимизга келувчи ногиронлар учун ҳам қулайлик яратади. Бу Меҳр ва мурувват йилида ҳукуматимизнинг 11 мингдан зиёд ногиронлар ва уларни бирлаштириб турган, мурувват манзили ҳисобланган жамиятимизга кўрсатган эътиборидир.

**М. ХОЛМАТОВА.**

*Конституциямизнинг 12 йиллигига бағишлаб ташкиллаштирилган умуммамлакат оммавий марафонида қатнашувчи сурхондарёлик спортчилар ҳам йўлга чиқишди.*

## *Марафон: Йўл узоқ, юрак яқин*

**Иккинчи йўналиш бўйича иштирок этаётган 12 спортчини Термиз шаҳри чегарасига қадар ҳаваскор югурувчилар кузатиб бордилар. Йўл-йўлакай улар Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасини зиёрат қилишди.**

**Айтиш керакки, мамлакатимизда спортнинг енгил атлетика соҳасини ривожлантиришда воҳа ёшларининг ўз ўрни, мавқеи бор. Андрей Сорокин ва Турсунбой Холбоев югуриш бўйича мамлакат чемпиони. Яна 6 спортчи енгил атлетика бўйича республика терма жамоаси аъзолари. Демак, ушбу марафонда улар толиқиб қолишмайди.**

**— Бизда енгил атлетика бўйича махсус мактаб бор, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Эргаш Худоёров. — Бу вилоятимиз ёшлари учун катта имконият, албатта. Президентимиз ташаббуслари билан ўтказилаётган бу марафон спортни янада ривожлантиришга хизмат қилишига ишонамиз.**

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

МДҲ Ижроия қўмитаси раиси Владимир Рушайло Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва МДҲ мамлакатлари ўртасида алоқаларни янада кенгайтириш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро террорчиликка ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашдаги ҳамкорликка оид масалалар муҳокама этилди. Суҳбатда, шунингдек, жорий йилнинг 26 декабрида юртимизда ўтказилажак парламент сайловида МДҲ Ижроия қўмитаси вакилларидан иборат кузатувчиларнинг иштирокини ташкил этиш юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**26 декабрь**
**Халқ. Демократия. Сайловлар**

## ЯНГИ ПЛАКАТЛАР



Марказий сайлов комиссияси бўлажак сайловларнинг янада очиқ, ошкора ва мазмунли ўтишини таъминлаш мақсадида сайловчилар учун ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида бир неча ўлчамдаги рангли плакатларни чоп этди.

Кўп минг нусхада босмадан чиққан бундай кўргазмали тарғибот материаллари округ ва участка сайлов комиссиялари биноларига, номзодларнинг сайловолди учрашувлари ўтадиган масканларга, жамоат транспорти, таълим муассасаларига, маҳалла гузарларига жойлаштириш учун мослаб тайёрланган.

**(ЎзА).**

## САЙЛОВГА БАҒИШЛАНГАН КИТОБЛАР



Марказий сайлов комиссияси томонидан "Сайлов: Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқи ва сайлов жараёни" (Б.Мустафоев, Ҳ.Авезов) қисқача изоҳли луғати ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди. "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйида босмадан чиққан ушбу луғатда демократик сайлов жараёнида қўлланиладиган олтмишга яқин тушунчаларнинг изоҳи содда ва равон услубда баён қилинган.

Ўзбек ва рус тилидаги мазкур китобда, хусусан, "Имзо варақаси", "Мажоритар сайлов тизими", "Пассив сайлов ҳуқуқи", "Сайловни тайинлаш", "Сайлов кампанияси", "Сайлов бюллетени", "Сайловолди ташвиқоти", "Такрорий сайлов", "Хорижий (халқаро) кузатувчи" ва "Электорат" каби сўз ва иборалар мутахассислар томонидан батафсил изоҳланган.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси "Жаҳон" ахборот агентлиги билан ҳамкорликда Б.Мустафоевнинг "Эркин демократик сайловларнинг ҳуқуқий асослари - Legal Foundations of free Democratic Elections - Правовые основы свободных демократических выборов" китобини ҳам уч тилда кўп минг нусхада нашрдан чиқарди.

Рисолада сайлов қонунчилигининг ҳуқуқий асослари, мамлакатимизда икки палатали парламентга сайловнинг ўзига хос жиҳатлари, унда сиёсий партияларнинг иштироки, сайловолди кампаниясини молиялаштириш тартиби, фуқароларнинг депутатликка номзод кўрсатишда иштироки, Сенат аъзолари сайловининг хусусиятлари ҳақида атрофлича сўз юритилади.

**Лазиз РАҲМАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Самарадаги портлаш ташкилотчилари аниқланди

**Самара. 27 ноябрь.** ИТАР-ТАСС мухбири тарқатган ахборотда таъкидланишича, шу йилнинг июнь ойида Самара шаҳрининг Киров бозоридаги портлашни содир этган шахслар аниқланди. Бу ҳақда Самара вилояти прокуратураси хабар берди.

Маълумки, ўша портлаш натижасида 70 нафар киши жабр кўрган, уларнинг 11 нафари қурбон бўлган эди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари тергов давомида портлашни ташкил этишда Чеченистондаги махсус лагерларда таълим олган бир неча Қозоғистон фуқаролари иштирок этганини аниқлашди. Ҳозирги пайтда гумон қилинаётган шахслар Қозоғистонда.

Самарадаги портлаш 4 июнь куни содир этилганди. Ўшанда савдо контейнерларидан бирининг орқа деворидаги қўлбола портлаш қурилмаси ишлаб кетган эди. Портлаш қуввати 1,5 килограмм тротил эквивалентига тенг деб баҳоланганди.

*Бугуннинг гапи*

# ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС, ҲАМҚАДАМ

## *бўлсаккина ислоҳотлар амалга ошади, вилоятнинг илгариги шуҳрати тикланади*

***Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтганига ҳам бир ойдан ошди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг сессияда сўзлаган нутқида вилоят ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги салбий омиллар кўрсатилиши билан бирга вилоятни турғунлик, депсиниш ҳолатидан олиб чиқишнинг аниқ йўллари белгилаб берилди.***

Нафсламбирини айтганда, нима учун азалдан ўзининг меҳнаткаш, омилкор, мард ва ҳалол инсонлари билан шуҳрат қозонган Фарғонадай юрт иқтисодиётда сезиларли даражада оқсаб қолди? Нега улкан имкониятларга эга вилоят шу ҳолга тушди? Бунга ким айбдор? Бу адоғсиз саволлар ҳар бир фарғоналикни чуқур ўйга толдиради. Юртбошимизнинг сессиядаги адолатли, вилоят тақдирига куйиниб айтган гапларини мушоҳада қилишга ундайди.

Чиндан ҳам, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, хорижий инвестициялар жалб қилиш суръатлари ўта суст. Кейинги бир йилнинг ўзида рўйхатдан ўтган 12 та қўшма корхона чет эл инвесторларининг сармоялари жалб қилинмаганлиги сабабли ўз фаолиятини тўхтатган. 12 та корхона эса банкрот деб эълон қилинган. Бу ўз навбатида экспорт ҳажмининг 20 миллион доллар камайишига олиб келган. Иқтисодий зарар кўриб ишлаётган ночор корхоналар сони ҳам камаймаяпти. Фарғона кимёвий толалар, фуран бирикмалари заводи, Риштон йигирув-тикув фабрикаси ва бошқа қатор корхоналар ҳисобида миллиардлаб сўм зарар бор.

Афсуски саноат корхоналарида муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари кўпайиб кетганлиги на мутахассисларни, на раҳбарларни ташвишлантиради. «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзкимёсаноат» тизимининг вилоятдаги корхоналари, Фарғона нефтни қайта ишлаш сингари корхоналар ривожига тушов бўлаётган дебитор ва кредитор қарзлар асосан раҳбарларнинг уқувсизлиги, корхоналараро олди-сотди муносабатларида қонунбузишларга йўл қўйилаётгани, идоравий назорат лозим даражада ташкил этилмаганлиги, тартиб-интизомнинг бўшлиги туфайли пайдо бўляпти. Масалан, «Бешариқтекстиль» акциядорлик жамияти билан «Фарғона сунъий чарм» заводи қошидаги савдо ишлаб чиқариш маркази ўртасида 60 миллион сўм қийматга эга шартнома тузилган. Лекин шартномага зид равишда савдо ишлаб чиқариш маркази жамият ҳисоб рақамига атиги 6 миллион сўм пул ўтказилган бўлса-да, «Бешариқтекстиль» марказга 43 миллион 691 минг сўмликдан зиёд турли техника воситаларини ҳотамтойлик билан бериб юбораверган.

Қурилишда бир мунча саъй-ҳаракатлар қилинганига қарамай, бу соҳада ҳам камчилик ва нуқсонлар етарли. Қурилаётган бино ва иншоотларнинг сифати талаб даражасида эмаслиги, битиш муддатларига риоя қилинмаслиги, қўшиб ёзишлар ушбу соҳада учрайдиган одатий ҳолга айланган. Фарғона шаҳри марказида не-не яхши ниятлар билан барпо этилган «Ёшлар спорт ва маданият мажмуаси»ни қуриш жараёнида ҳужжатлар сохталаштирилиши, бажарилмаган ишлар учун пул маблағи қўшиб ёзилиши, сарфланган материаллар нархи ошириб кўрсатилиши каби кўплаб қонунбузишларга йўл қўйилиб, 262 миллион сўмдан зиёд бюджет маблағлари талон-торож қилинган. Энди «Вилоятжамхўжқурилиш» трести ва 77-ХМКК қурилиш ташкилоти мансабдор шахслари қилмишларини терговчиларга тушунтириб беришади.

Президентимиз нутқида қишлоқ хўжалиги, жумладан, пахтачиликдаги қолоқлик ва унинг сабаблари батафсил таҳлил қилиб берилди. Ҳолбуки, Фарғона қадимий пахта ўлкаси. Нега энди пахтачилик илмидан бутун Марказий Осиёга, ҳатто Каспий орти юртларига дарс берган устоз пахтакорлар юртида қолоқлик юз берди? Нега бир пайтлар 40-45 центнердан ҳосил кўтариб келинган пайкалларда ҳозирга келиб, ўртача ҳосилдорлик атиги 18,7 центнерданга тушиб қолди? Фарғонада пахтачиликнинг йилдан-йилга, қадам-бақадам ортга кетишини қандай изоҳлаш мумкин? Боқибеғамлик, қолоқликнинг туб сабаблари қаерда?!

Вилоят прокуратураси органлари томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасига оид қонунлар ижроси юза-

(Давоми 2-бетда).

## Олий Мажлис XVI сессияси олдидан



***«Халқ сўзи» газетасининг 19 ноябрь сонида «Депутат шундай бўлсаки...» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда кўтарилган масалалар долзарб, айни пайтда ҳаётийлиги билан диққатга сазовордир. Бугун кундалик турмушимиздаги, хоҳ жамоат жойларида бўлсин, хоҳ меҳнат жамоалари ёки таълим муассасаларида бўлсин, ўзаро суҳбатлар мавзуси яқинлашаётган сайловлар, бўлажак депутатлар ҳақида кетмоқдаки, бу халқимизнинг, кенг жамоатчиликнинг эртанги ўтадиган сайловларга бефарқ эмаслигини, унинг жамият ижтимоий-сиёсий тизимидаги ҳақиқий ўрнини англаб етаётганликлари белгисидир.***

# Бизга қандай депутат керак?

Шу жиҳатдан Олий Мажлис XVI сессияси муҳокамасига киритилиши назарда тутилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонун лойиҳалари мазмун-моҳияти жиҳатидан мамлакатимизда давлат ҳокимиятини ташкил қилишнинг конституцион тамойилларини янада такомиллаштириш йўлида ўз вақтида тақдим қилинган ҳужжатлар дейиш мумкин.

Ўйлаймизки, мақолада тилга олинган айрим ҳолатлар сессияга тақдим қилинган лойиҳа мазмун-моҳиятини бойитишга хизмат қилади, бундай ва бошқа мулоҳазалар қонун лойиҳаларининг янада мукаммал бўлишига имкон яратади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги қонун лойиҳаси келажакда профессионал асосда ишловчи парламент аъзолари мақомини белгилайди.

Шунингдек, лойиҳада депутат ва сенатор одоби тўғрисида алоҳида модданинг киритилишини жуда ўринли деб биламиз. Бинобарин, парламент — бу мамлакатнинг халқ овозини унинг вакиллари орқали бутун дунё эшитадиган бош минбаридир. Фикримизча, бу ерда ўта ҳис-ҳаяжонли сиёсий тортишувлар эмас, вазминлик ҳукм суриши, парламент одоби нормаларига қатъий риоя этилиши керак.

Умуман, қонун лойиҳасини маъқуллаган ҳолда мазкур лойиҳа юзасидан айрим таклиф ва мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашишни ҳам лозим топдик. Хусусан, лойиҳа ўз номи билан депутатлик ва сенаторлик мақомини белгилар экан, биринчи галда қонун матнида депутат ким, сенатор ким, деган саволга аниқ ва батафсил жавоб олишимиз муҳим. Чунончи, бир томондан, ушбу қонун орқали фуқароларимиз ўзлари овоз берадиган депутатнинг ваколатларини, ҳуқуқларини, сайловчилар олдидаги мажбуриятларини яхши билмоқлари лозим. Иккинчидан эса, ҳар бир депутат ёки депутатликка ўз номзодини қўювчи депутатлик масъулиятини имкон қадар тўлиқ ҳис қилмоғи лозим.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда лойиҳанинг 1-моддасида депутат тушунчасига берилган таърифни янада тўлиқ ва аниқ очиб бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Жумладан, ушбу моддада эндиликда сайланадиган депутатнинг профессионал парламент аъзоси эканлиги, олдинги чақириқ Олий Мажлис депутатларидан фарқли ўлароқ, улар ўз депутатлик фаолиятларини мустақил, эгаллаб келган касби ва вазифасидан холи амалга оширишлиги ўз ифодасини топмоғи лозим.

Маълумки, сайловдан кўзда тутилган асосий мақсад шунчаки депутатни сайлаш ёки сенаторни вакил қилиш эмас, балки ҳар бир сайловчининг қайси номзодга жамиятни бошқаришдаги ўз ваколатларини беришини ўзи онгли ҳис қилиши муҳимдир. Бу билан ҳар бир сайловчида жамият ҳаётини тубдан янгилаш жараёнлари изчил амалга оширилаётган бир пайтда Президентимиз Олий Мажлис сессиясида таъкидлаганларидек, парламент учун асфальт ётқизиб берувчи ёки маҳаллага газ тармоғини келтиришни ваъда қилувчи депутат эмас, балки, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий билимларга эга, қонунчилик фаолиятидаги иштироки билан ўз сайловчилари манфаатларини ҳимоя қила оладиган ва уни умумжамият манфаатлари билан уйғунлаштира оладиган депутат кераклиги ҳақида тушунча ҳосил қилишимиз лозим. Бу, албатта, кўп жиҳатдан сайловчилар сиёсий онги даражасига, қолаверса, депутатнинг ўз мақомини қай даражада англашига боғлиқ.

Шу боис ҳам, бизнингча, лойиҳанинг 2-моддасини **«Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ўз сайловчиларининг, шунингдек, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган тегишли сиёсий партия ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг давлат ҳокимияти вакиллик органидаги вакили»** тарзида бериш мақсадга мувофиқдир. Бу билан аҳоли тафаккурида сайловдан кутилган пировард натижа ўзи сайлаган вакиллари орқали жамият бошқарувида иштирок этишини аниқ кўрсатган бўламиз.

Яна бир жиҳат, сессия муҳокамасига қўйилган қонун лойиҳаларидан бири «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги лойиҳасидир. Ушбу қонун лойиҳаси ҳам ўз аҳамияти жиҳатидан биринчисидан қолишмайди. Зеро, парламентимизнинг юқори палатаси (Сенат) таркиби маҳаллий Кенгашларга сайланадиган депутатлар сифатига боғлиқ. Қолаверса, ижтимоий ҳаётимизда янги пайдо бўлган Сенат, сенаторлар тушунчаларини ҳозир ҳамма ҳам етарлича англаб етгани йўқ. Шу боис ҳам муҳокамага қўйилган ушбу қонун лойиҳасида белгиланган ҳуқуқий меъёрлар муҳим. Хусусан, халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман кенгаши депутатларига қўйиладиган ҳолатлар, улар ваколати ва фаолияти кафолатларининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган. Хуллас, бу тилга олган ҳар икки қонун лойиҳасидаги меъёрларнинг ҳаётийлигини шу йил 26 декабрда бўлиб ўтадиган сайловларда сайловчиларимизнинг фаол иштироки кўрсатади.

**Турсунбой ФАЙЗУЛЛАЕВ,**
**Наманган давлат университети ректори,**
**Олий Мажлис депутати.**

**26 декабрь**
**Халқ. Демократия. Сайловлар**

# Уйғониш

Мамлакатимизда кечаётган сайлов кампанияси ҳақида гап кетганда, яқинда АҚШда бўлиб ўтган президентлик сайлови беихтиёр хаёлимга келади. Кузатган бўлсангиз, сайлов жуда муросасиз курашлар остида ўтди. Унда Жорж Бушнинг асосий рақиби Жон Керри мағлубиятга учраса-да, ўз сайловчилари олдида дадил чиқишлар қилди. Айниқса, унинг мағрур туриб: «Америка сайловларида мағлуб бўлмайди. Барибир ҳаммамиз эрталаб американлик бўлиб уйғонамиз», дея айтган гапи, сўзсиз, ҳамюртларини Ватанни севишга, доимо ҳамжиҳат бўлишга даъват этади. Дарҳақиқат, демократик жамият бошқарувини сайловлар белгилар экан, фуқароларнинг сиёсий фаоллигида катта ватанпарварлик ётади. Эҳтимол, суверенитетликда салкам икки юз ўттиз йиллик тарихга эга, бугунги кунда эса дунёда демократия тимсолига айланган давлатдаги сайловларни ўн-ўн уч йиллик мустақил ҳаёт йўлида ривожланиш сари интилаётган мамлакат сиёсий жараёни билан таққослаш ножоиздир. Лекин модомики, демократик тамойилларга асосланган эркин фуқаролик жамияти барпо этаётган эканмиз, ривожланган давлатлар тажрибаларидан хулоса чиқариш фойдадан холи бўлмайди.

Шу маънода мамлакатимизда икки палатали парламент сайловлари ҳам жамиятимизни босқичма-босқич демократлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларни кўрсатади. Биласиз, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси таркибини 26 декабрда бўладиган умумхалқ сайловида халқимиз хоҳиш-иродаси белгилаб беради. Юқори палата — Сенатнинг таркиб топишига эса шу куни ўтадиган вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлови маълум маънода асос бўлади. Негаки, маҳаллий Кенгашлар шаклланганч, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари қўшма мажлис ўтказиб ҳудуддан Сенатга олти нафар вакилни аниқлаб беради. Шунинг учун маҳаллий Кенгашларга кўрсатилажак номзодлар орасидан муносибини танлашда масаланинг ана шу жиҳатини ёдда тутиш зарур. Чунки шу куни сайланган номзод эртага сенатор бўлиши мумкин. Шу боис сайлов чоғи «Маҳаллий кенгаш депутатлари нима қилиб берарди?» деб эмас, балки унга сенаторга қўйиладиган талаб билан қараш ўринлидир.

### Бу — долзарб

Шуни таъкидлаш керакки, жамиятимиз босқичма-босқич демократлашиб борар экан, фуқаролардан ҳам эркин ва онгли равишда ҳаракат қилишни тақозо этади. Демак, давлатни бошқаришдаги иштирокимиз бўлган сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан самарали фойдаланишимиз ҳам ватанпарварлик белгисидир.

Маҳаллий Кенгашлар сайлови ҳақида гапирганда, мамлакатимизда ўтказилаётган айни маъмурий ислоҳотларни ҳам айтиб ўтиш жоиз. Чунки ҳокимиятнинг қуйи тузилмаларида маъмурий буйруқбозликдан эркин бошқарув шаклига ўтилмоқда. Босқичма-босқич ўтказилаётган бу ислоҳот, сўзсиз, ҳудудий кенгашларнинг мавқеини оширади. Шуни назарда тутиб айтадиган бўлсак, ҳар бир сайловчи ҳудуднинг келгуси ҳаётини вилоят, туман ёки шаҳар Кенгаши депутатларига ишонаётганини ҳам ёдида тутиши зарур. Зотан, қайси номзодлар кўп овоз олиб ғолиб чиқишидан қатъи назар, сўзимиз аввалида айтиб ўтганимиздек, эртасига барибир ҳаммамиз ўзбекистонлик бўлиб уйғонамиз.

**Худойберди ЭШМАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Болажонларга туҳфа

Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри ижодий жамоаси Янги йил муносабати билан "Сеҳрли қоп" спектаклини саҳналаштирмоқда. Қорбобо ва Қорқиз иштирокидаги ушбу театрлаштирилган томошалар болажонларга манзур бўлиши шубҳасиз.

Вилоят қўғирчоқ театрида эса "Шум бола ўзга сайёрада" номли саргузашт эртак саҳналаштирилаётир. Демак, янги йилни болажонлар зўр хурсандчилик билан кутиб олишлари муқаррар.

**Д. УМАРОВА.**



*Наманган вилоятидаги "Уйчи ипакчи" акционерлик жамиятида ҳозирда 253 нафар қишлоқ ёшлари меҳнат қилаётир. Бу ерда йилига 2300 тонна пахтани қайта ишлаб 1500 тонна сифатли калава ип ишлаб чиқариш режалаштирилган.*

*— Ҳозирча биз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ички бозорда сотилмоқда, — дейди корхона ишчиси (суратда) Насиба Абдураҳмонова. — Келгусидаги мақсадимиз "Намимпекс текстиль" маҳсулотлари хориж бозорларида ҳам ўз ўрни бўлишига эришиш.*

*Айни пайтда корхонада олиб борилаётган барча ишлар ана шу мақсадга қаратилган. Яқин ойлар ичида корхонада тикув ва бўёқ цехлари қурилиши режалаштирилган. Бу билан нафақат корхонада ишлаб чиқариш қуввати ошади, балки яна 200 нафар ёш иш билан таъминланади ҳам.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

**Хабарлар оқимидан**

## Асранг, она табиатни

Пойтахтимизда Конституция кунига бағишлаб "Мустақиллик, экология ва саломатлик" шиори остида экофестиваль ўтказилди. Ушбу тадбир доирасида "Табиат ва мусаввир" мавзуида халқ амалий санъати ва расмлар кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмада байналмилал маданият марказлари, элчихоналар, бошқа халқаро ташкилотлар томонидан тайёрланган дунё халқлари маданиятлари ҳамда атроф-муҳит, барқарор ривожланиш борасида амалга оширилган дастур ва лойиҳалар амалиётини акс эттирувчи асарлар ўрин олган.

Тадбир давомида иштирокчилар мамлакатимизнинг кўзга кўринган эстрада хонандалари иштирокида катта концерт дастурини томоша қилдилар.Фестивални ўтказишдан мақсад, атроф-муҳит муҳофазасига кенг жамоатчилик эътиборини жалб этишдан иборатдир.

"Экосан" халқаро ташкилоти, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ва спорт вазирлиги мазкур фестивалнинг ташаббускорлари бўлишди.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Тиббиёт ва тил

Урганч шаҳрида "Тиббиёт олий ўқув юртларида рус тили ўқитишнинг муҳим масалалари" мавзуида республика илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда республикамиздаги тиббиётга ихтисослашган 22 та олий ва ўрта махсус ўқув юртларидан 160 нафардан зиёд мутахассис ва талабалар иштирок этишди. Анжуманда сўзга чиққан Россия, Польша, Монголия, Ҳиндистон сингари мамлакатлардан келган филолог олимлар ҳам тиббиётда тил билишнинг аҳамияти ҳақида гапирдилар.

Тадбир республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Россия чет эл марказининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, I-Тошкент Давлат тиббиёт институти Урганч филиали ташаббуси билан ташкил этилди. Анжуман сўнгида россиялик олимларга I-Тошкент Давлат тиббиёт институти Урганч филиалининг фахрий профессори сертификатлари топширилди.

**О. РАҲИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС, ҲАМҚАДАМ

## бўлсаккина ислоҳотлар амалга ошади, вилоятнинг илгариги шуҳрати тикланади

(Давоми. Боши 1-бетда).

сидан ўтказилган текширишларда бу соҳада чигит экиш, ғўза парваришидан тортиб то ҳосил йиғиб олингунга қадар агротехника қоидаларининг қўпол равишда бузилиши, уруғлик масаласига эътиборсизлик, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини, техника воситаларини талон-торож қилиш, шартномада кўзда тутилган экин ўрнига бошқа экинлар экиш каби кўплаб қонунбузилишлар аниқланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу соҳадаги қарорида пахта пайкалларининг заракунанда ҳашаротлар билан зарарланиши олдини олиш мақсадида пахта экилган майдонлар билан ёнма-ён шоли ва маккажўхори экинлари экиш тақиқланган эди. Лекин амалда бу қарор талаблари кескин бузилди. Ёзёвон туманида 1108,8 гектар, Ўзбекистон туманида 209,3 гектар, Бувайда туманида 390,3 гектар, Бағдод туманида 207 гектар, вилоятда жами 2632,4 гектар ерга режасиз шоли экилиши оқибатида 50 минг гектарга яқин пахта майдонлари кўсак қурти, ўргимчаккана ва шира билан зарарланиши учун қулай имконият, шароит яратиб берилди. Вегетацияси даврида эса шоли ғўзанинг озуқасига, сувига тенгма-тенг шерик бўлди.

Пахта ва ғалла ўрнига бошқа экинлар экиб олиш ҳам оддий, ҳам одатий ҳолга айланиб қолди. Ўтказилган текширишлар жараёнида Ўзбекистон туманида 108,6 гектар, Учкўприк туманида 109,4 гектар, Риштон туманида 81,2 гектар пахта ва ғалла ўрнига фермер хўжаликлари раҳбарлари ўзбошимчалик билан бошқа экинлар экиб юборишгани аниқланди.

Шу каби қонунбузилишлар фермер хўжаликлари фаолиятида кўплаб учраётгани ташвишланарлидир. Ўзбекистон туманидаги «Маъмурбой ота» фермер хўжалиги раҳбари В. Маъмуров контрактация шартномасини қўпол равишда бузиб, 2,5 гектар ерга пахта ўрнига картошка ва бодринг эккан. 2,3 гектар ерни эса турли шахсларга 550 минг сўмга сотиб юборган. Риштон туманидаги «Нур» фермер хўжалиги раҳбари Р. Шералиев ҳам пахтани шартнома режасига нисбатан 2 гектар, бошоқли дон экинларини эса 5 гектар ерга кам экиб, давлат манфаатларига жиддий зиён етказган.

Вилоят миқёсида 712 та хўжалик 2004 йил ғалла ҳосили учун тузилган контрактация шартнома мажбуриятларини бажармаган. Давлат хирмонига 5400 тоннадан ортиқ дон кам топширилган. Топширилмаган буғдой эвазига етказилган 4 миллион 396 минг сўмликдан зиёд моддий зарар хўжаликлардан ундириб олинди.

Пахта топшириш юзасидан белгиланган шартнома шартларини бажармаган хўжаликлардан 276 миллион сўм моддий зарарлар ундириб олинди. Хўжалик судларига яна 1 миллиард 366 миллион сўм зарарни ундириш учун 1111 та даъво аризалари киритилди. Бу ишлар соҳада шартнома интизоми йўлга қўйилгунга қадар давом этаверади.

Иккинчи томондан фермер ва деҳқон хўжаликлари, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилиш, уларнинг талабларига беписанд қараш, олға интилишларига тўғаноқ бўлиш ҳоллари ҳам кам эмас. Ёзёвон туманидаги «ФарАзимдарё», «Фар-Ас-Сабр», «Фар-Имус», «Давр», «Холмат ота» фермер хўжаликлари туман «Пилла» акционерлик жамиятига 2003 йили контрактация шартномасига асосан 1 миллион 699 минг 600 сўмлик пилла топширишган. Шартноманинг 3.2 бандига кўра жамият 5 кун ичида фермерларга топширилган пилла пулини тўлаши керак эди. Аммо «Пилла» ОАЖ фермерлар ҳуқуқини поймол қилиб тўлов интизомини бузган. Фермерлар ўз қонуний ҳақларини ололмаганлар.

Вилоят прокуратураси аралашувидан сўнг, фермер хўжаликлари манфаатлари ҳимоя қилиниб, хўжалик судига даъво аризалари киритилди. Бувайда туманидаги 281 та фермер хўжалиги эса таъминот ташкилотлари билан шартномалари бўла туриб бир килограмм ҳам бензин ололмаганлар! Бу масалага ҳам вилоят прокуратура органлари аралашувидан сўнг вилоят бўйича деҳқон фермер хўжаликларига 113,5 тонна минерал ўғит, 85 тонна омухта ем, 22 тонна нефть маҳсулотлари, 11 дона техника ундириб берилди.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнесни ривожлантириш ўрнига бу йўлга тўғаноқ бўлаётганлар ҳам борлиги Юртбошимиз маърузаларида алоҳида таъкидланган эди. Масалан: Қўқон шаҳар ҳокимининг 2004 йил 20 январдаги 20-қарорига кўра шаҳардаги «Шаробсавдо» корхонасига бошқа вилоятлардан маҳсулотлар сотиб олиб келиш чекланган. Мабодо тадбиркор ўзга вилоятдан маҳсулот сотиб оладиган бўлса ҳам, аввало, тегишли банклар, солиқ идораларидан маълумот тақдим этиши ва кейингина тўловни амалга ошириши белгилаб қўйилган. Албатта, бундай узоқни кўзламай, қонунга зид равишда қабул қилинган қарорлар тадбиркорни ишдан бездиради.

Дон ва пахта ҳосилдорлигини оширишнинг асосий омилларидан ҳисобланган минерал ўғитларни, нефть маҳсулотларини талон-торож қилиш ҳолатлари ҳам камаймаяпти.

Қува туманидаги «Деҳқонобод» ширкат хўжалиги энтомолог ҳосилоти М. Қаюмов 910 минг сўмлик минерал ўғитларни сохта ҳужжатлар асосида талон-тарож қилган бўлса, вилоят «Қишлоқхўжаликкимё» Риштон тумани филиали мудири Х. Мамажонов 721,7 минг сўмлик минерал ўғитларни «саховатлиги» тутиб, хусусий тадбиркор А. Солиевга фондсиз шартнома асосида қўшқўллаб тутқазган. Охунбобоев тумани А. Раҳмонов номли ширкат хўжалиги омбор мудири Х. Юнусов 1370 минг сўмлик нефть маҳсулотларини ўзлаштирган. Тошлоқ туманилик М. Рустамов шу тумандаги «Хўжаариқ» пахта қабул қилиш пунктидан ижарага олган «Нива» русумли ўрим комбайнини ҳе йўқ-бе йўқ, қўшни Қирғизистон давлатига олиб бориб, эҳтиёт қисмларга бўлган ҳолда сотиб юборган.

Умуман вилоят қишлоқ хўжалиги корхоналарида ўтказилган текширишлар натижасида 39 нафар мансабдор шахслар томонидан уларнинг ўзлари, яқин қариндошлари ва ошна-оғайнилари номига қонунга зид равишда фермер хўжаликлари ташкил этиб олганликлари аниқланди. Бу ҳолатлар прокуратура органлари томонидан бартараф этилиб, ноқонуний олинган 1 минг 165 гектардан ортиқ ер майдонлари қайтариб олинган. 4 нафар туман ҳокимларига нисбатан интизомий жазо қўлланилган бўлса, қўпол қонунбузишларга йўл қўйган айрим туман ҳокимларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Бу салбий кўринишларнинг замирида эса вилоятда кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишда йўл қўйилган нуқсон ва камчиликлар ётади. Мансаб курсисига кадрнинг қобилияти, салоҳияти, ишчанлиги, ҳалоллигига қараб эмас, балки қариндош-уруғчилиги, таниш-билишлиги, шахсий садоқатига қараб қўйилиши мана шундай оқибатларга олиб келганлиги ойдинлашиб қолди.

Аҳвол шу даражага етганки, ҳатто судланган кишиларни ҳам ўйламай-нетмай раҳбарлик лавозимларига қўяверганлар. Бағдод тумани МТП директори Й. Тиллаев бош ҳисобчиси О. Дадажонова билан 73 миллион 453 сўмлик бажарилган ишларни даромадга олмасдан, корхонага жуда катта миқдорда зиён етказганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиб, судланган эди. Бироқ кўп ўтмай туман ҳокимлиги уни яна мансаб курсисига ўтқазди. Собиқ жиноятчи бир юмалаб энди тумандаги «Ҳамзаобод» наслчилик хўжалигига раҳбар бўлиб олди. Эртаклардагидай «Қўйни бўрига топшириш» деб шуни айтсалар керак-да. Албатта, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, дейдилар, Й. Тиллаев бир гуруҳ шахслар билан ўзаро келишиб, хўжаликнинг 4 миллион 384 минг сўмлик мулкини ўмарганини учун яна жиноий жавобгарликка тортилди.

Кўриб турибсизки, қонунбузишлар, лоқайдлик, мансаб вазифасини суиистеъмол қилиш, жиноятларга йўл очиб беради. Шу йилнинг 9 ойи мобайнида вилоят ҳудудида 397 нафар мансабдор шахс томонидан 289 та мансабдорлик жинояти содир этилиши ҳам шундан далолатдир. Уларнинг шундай жиноятлари оқибатида давлат ва жамият манфаатларига 3 миллиард 678 миллион 617 минг сўмдан зиёд моддий зарар етказилган.

Бир мисол. Вилоят «Пилла» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви қошидаги савдо тижорат маркази директори Ш. Мамажонов 22 миллион сўмлик моддий бойликларни ўз манфаатига ишлатиб юборган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, иқтисодиётдаги аҳвол ижтимоий ҳаётга ҳам салбий таъсирини кўрсатди. Ёшлар ва аёллар учун янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашда арзигулик иш қилинмади. Вилоят прокуратураси соғлиқни сақлаш, вояга етмаганларга оид қонунлар ижросини ўрганиб чиққанларида соҳада қонунбузилишлар борлиги юзага чиқди. Айтайлик, вилоятда тиббий хизмат яхши йўлга қўйилмаганлиги оқибатида болалар ўлими 93 тага, оналар ўлими 10 тага ортган. Коммунал тўловлар, аҳолининг электр энергиясидан қарздорлиги 34 фоизга кўпайган. Бу нохуш аҳвол коммунал хизмат, электр, газ ва ичимлик сув таъминоти корхоналари раҳбарлари, ҳокимликларнинг лоқайдлиги, ўзибўларчилик кайфияти натижасида юзага келгани сир эмас. Зеро, «Фарғона электр тармоқлари» ОАЖнинг йил бошидаги муддати ўтган дебиторлик қарзи 5 миллиард 584 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 1 октябрга келиб бу кўрсаткич 12 миллиард 343 миллион сўмга етгани шундай бамайлихотирчилик кайфияти ҳосиласи эмасми?

Аҳолини табиий газ, ичимлик суви билан таъминлаш, хизмат ҳақларини ундиришдаги аҳвол ҳам юқоридагидек. Устига-устак шу корхоналар ходимлари томонидан йиғилган пулларга хиёнат қилиш ҳоллари ҳам учраяпти. Масалан, Қувасой шаҳар газ идораси назоратчиси Э. Норматов 17 нафар фуқаролардан фойдаланилган газ учун йиғилган 165 минг 879 сўм пулни корхона ғазнасига топширмай, жиғилдонига урган. Бундай ҳолатлар прокуратура идоралари томонидан текширилиб, 64 нафар масъул ва мансабдор шахслар интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилганлар.

Прокуратура органлари қонунийликни мустаҳкамлаш, давлатнинг иқтисодиётдаги ислоҳотларни тартибга солувчи қонунлари ижросини таъминлаш борасида бирмунча ишларни амалга оширди. Биргина қишлоқ хўжалигига оид қонунлар ижроси юзасидан 289 марта текширишлар ўтказилди. Қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 810 та тақдимнома киритилди. Мансабдор шахсларнинг қонунга зид қабул қилган 120 та ҳуқуқий ҳужжатлари протестлар асосида бекор қилинди. Ишларимиз таҳлили биздан янада самаралироқ, пухтароқ ишлашни тақозо этмоқда.

Юртбошимиз ўз маърузасида вилоятдаги вазиятни соғломлаштиришда, салбий ҳолатларга барҳам беришда прокуратуранинг ўрнини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу зиммамизга жуда катта масъулият юклайди. Шу боис Президентимизнинг мазкур маърузаларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришга оид тадбирлар Дастурини ишлаб чиқдик. Барча шаҳар ва туман прокуратураларида сессия материаллари чуқур ўрганилди, тегишли хулосалар чиқарилди, керакли чора-тадбирлар белгиланди. Бизнинг тизимда ишлаётган ҳар бир ходим белгиланган вазифаларни бажаришга сидқидилдан, виждонан ва юксак масъулият билан ёндошади. Ўтган даврда йўл қўйилган хато ва нуқсонлар, қонунбузилишлар такрорланмаслиги учун ўз ваколатлари доирасида қатъий ва собит курашадилар. Бу ишларни амалга оширишда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда, қўлни қўлга бериб ишлаймиз.

Қиладиган ишларимиз жуда кўп. Мақсадимиз аниқ — гўзал Фарғона диёрининг аввалги шуҳратини тиклаш, унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, энг муҳими, қонун устуворлиги, адолатнинг барқарорлигини, халқнинг фаровон, тинч ҳаёт кечиришини таъминлаш. Президентимизнинг **«Ишонаман, Фарғона халқи ҳар қандай қийинчилик ва синовларни енгиб ўтади, ўз олдига қўйган эзгу мақсадларига, албатта, эришади»,** дея билдирган юксак ишончини оқлаш бош вазифамиз бўлиб қолади. Бунинг учун эса замон билан ҳамнафас, ҳамқадам иш юритишни давр тақозо этмоқда.

**Ҳамид НЕЪМАТОВ,**
**Фарғона вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси.**

*Таълим ва ислоҳот*

***Ҳозир республикамизда жами 823 та касб-ҳунар коллежи мавжуд. Уларда 550 мингга яқин бола ўқийди. Бу табиийки, кичкина рақам эмас. Демакки, бу борадаги ютуқ ва муаммолар кўлами ҳам шунга яраша. Битирувчиларнинг касб маҳоратини ошириш, уларни ишга жойлаштириш, замонавий технологиялар билан тиллаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш, жаҳондаги энг илғор тажрибаларни ўрганиш...***

# Ҳам ҳунарли, ҳам ишли

Албатта, таълим соҳасидаги ислоҳотларга хорижий инвестициялар ҳам жалб этилиши табиий. Нафақат сармоя, балки ривожланган мамлакатларнинг бу борадаги тажрибаси ҳам ўрганилмоқда. Тўғри, ҳар бир давлатнинг иқтисодий аҳволи, менталитети турлича бўлгани боис таълим тизими тажрибасини айнан кўчириб бўлмайди. Лекин илғор технологияларни таълим тизимига кенг жорий этиш имконияти туғилмоқда.

Германия Техник кўмак маркази республикамиздаги қатор касб-ҳунар коллежлари билан бир неча йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келмоқда. 1999-2004 йиллар давомида мазкур марказнинг «Ўзбекистонда бошланғич касб-ҳунар таълимини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасига кўра, Тошкентдаги Туризм, Самарқанддаги Енгил саноат, Бухородаги Банк, Тошкент вилоятидаги Қибрай қишлоқ хўжалик коллежларида ўқитиш, касбга ўргатиш бўйича тажриба-синов ишлари олиб борилди. Лойиҳага кўра, бундай коллежлар — пилот коллежлар, деб юритилади.

Тажрибадан кўзланган асосий мақсад шу лойиҳага киритилган коллежлар битирувчиларининг касб маҳорати талаб даражасида бўлишига эришиш, уларнинг ишга жойлашишларига кўмаклашиш, педагог-ўқитувчилар малакасини оширишдан иборат. Лойиҳага савдо-сотиқ, ташкилий ва молиявий масалалар бўйича мутахассис, меҳмонхона, ресторан иши ва туризм йўналишлари қамраб олинганди.

Германия техник маркази пилот коллежларнинг ресторан иши, меҳмонхона хўжалиги, мини-фирма каби махсус фан хоналари ва лабораторияларни замонавий электрон ва оргтехникалар билан жиҳозлаш, кутубхоналар фондини бойитишга катта ҳисса қўшди. Лойиҳани амалга ошириш чоғида Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари ва Тошкент вилоятидаги ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи бир қатор ташкилотлар, сайёҳлик фирмалари, меҳмонхона ва ресторанлар вакиллари ҳамкорликка жалб қилинди. Ҳар йили лойиҳа доирасида «касб ярмаркаси» ўтказилди. Яъни тегишли ташкилотлар вакиллари келиб, мазкур коллежлар битирувчиларининг касбий маҳоратини синаб кўрдилар. Лойиҳанинг асосий натижаси шунда кўриндики, пилот касб-ҳунар коллежларини битирган 80 фоиз мутахассис иш ўрнини топди. 1999-2004 йилларда пилот гуруҳларини 547 нафар ўқувчи тугатди. Улардан 83 фоизи мутахассислиги бўйича, 3,1 фоизи бошқа мутахассисликда ишламоқда. 13,9 фоизи эса олий ўқув юртларида таҳсил олаяпти.

Хўш, бундай натижаларга қандай қилиб эришилмоқда?

— Ўқувчилар билимини ва малака кўникмаларини баҳолашга янгича ёндошув ўзига яраша самара бермоқда, — дейди Республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг бош мутахассиси Холида Султонова. — Пилот гуруҳларида 2-босқичдан сўнг биринчи мутахассислик бўйича ўқувчиларнинг касбий кўникмалари шаклланиши қай даражада эканлигини аниқлаш мақсадида тажрибавий оралиқ имтиҳонлар ўтказилди. Имтиҳонларни фақат муваффақиятли топширганларгина кейинги босқичга ўтказилди. Имтиҳонларни топшира олмаганлар оддий гуруҳларга юборилди. Айни пайтда коллеж раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор берилди. Пилот коллежларининг ҳар биридан икки нафар педагог Германияда ўз малакасини ошириб қайтди. Бундан ташқари, ўқитувчиларимиз Германия экспертлари томонидан қисқа муддатли малака ошириш бўйича Павлодар, Бишкек, Алмати, Самарқанд, Бухорога таклиф этилди. Уларда касбга тайёрлаш тизими, талабаларнинг тайёргарлик лаёқатини ривожлантириш, касбий тайёргарликни модуллаштириш, тижорат, меҳнат бозорини қўллаб-қувватлаш муаммолари муҳокама этилди.

Қисқа қилиб айтганда, Германия техник кўмак маркази лойиҳаси пилот коллежларда бир қатор ижобий натижаларни қўлга киритишга ёрдам берди. Ўтказилаётган ислоҳотлар самарасига ҳам таъсир этди. Шундай натижаларга лойиҳа ишлари тугагандан сўнг ҳам эришиш мумкинми? Бизнингча мумкин, бу ўзимизга, эришилган тажрибани оммалаштириш, таклифларни амалиётга изчил қўллай олишимизга боғлиқ. Назаримизда, бундай тажрибаларни бошқа йўналишдаги коллежларда ҳам оммалаштириш керак. Ахир, мақсад фақат коллежлар ўқувчилари сонини кўпайтириш эмас, уларнинг билим сифатини ошириш ва шу орқали мамлакат ривожланишига ҳисса қўшадиган етук кадрлар тайёрлашдир.

**Рустам БОЙТЎРА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар ҳамда чет эл сармоядорлари!

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

«Respublika ko`chmas mulk birjasining Toshkent shahar bo`limi»

**масъулияти чекланган жамияти кимошди ва биржа савдоларини ўтказади.**

**Биржа савдоларига қуйидаги давлат объектлари қўйилган**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти тасарруфидаги Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, И.Мўминов кўчаси, 9-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 737,8 кв.метрга тенг бўлган музлатгич маркази.

***Бошланғич баҳоси — 43651800 сўм.***

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли Ядро физикаси институти тасарруфидаги Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек шаҳарчаси, Робияхоним кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 1328 кв.метр бўлган физиклар уйи.

***Бошланғич баҳоси — 66846687 сўм.***

«O`ZDAVSUVLOYIHA» мелиорация ва сув хўжалиги лойиҳа-қидирув илмий текшириш институти тасарруфидаги Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Чимбайлик» қ.ф.й. манзилида жойлашган қурилиши тугалланмаган бино.

***Бошланғич баҳоси — 50358480 сўм.***

Тошкент шаҳар, А.Икромов тумани, Шайхзода кўчаси, 1-«А» уй манзилида жойлашган «Xo`jalik hisobidagi kommunal bo`limi» давлат унитар корхонаси.

***Бошланғич баҳоси — 347000 сўм.***

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли Сейсмология институти тасарруфидаги Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Қ.Мақсумов кўчаси, 85-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 927 кв.метр бўлган География бўлими биноси ва иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 38134000 сўм.***

**Кимошди савдоларига қуйидаги объектлар қўйилган**

Якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, қуйидаги манзилгоҳларда жойлашган ер майдонларини мерос қилиб қолдириш ва умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини 2004 йил 3, 7, 10, 14, 17, 21, 24, 28, 31 декабрь кунлари бўлиб ўтадиган кимошди савдоларида қатнашиб сотиб олишингиз мумкин.

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64,0 м ва Г-38,0 м кўчаларида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га тенг бўлган 17 та ер майдони.

***Ҳар бирининг бошланғич нархи — 512000 сўм.***

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Қурувчи мавзесида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га тенг бўлган 12 та ер майдони.

***Ҳар бирининг бошланғич нархи — 1153600 сўм.***

Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Қурувчи мавзесида жойлашган, сатҳи 0,02 га тенг бўлган 1та ер майдони.

***Бошланғич нархи — 576 800 сўм.***

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Спутник даҳасида жойлашган уй-жой бинолари орасидаги бўш ётган ва ёнган уйларнинг пойдеворлари эгаллаб турган, ҳар бирининг сатҳи 0,03 га бўлган қуйидаги ер майдонлари:

Спутник-1 мавзеси, 58 ва 61-уйлар орасидаги; Спутник-9 мавзеси; 11 ва 12-уйлар орасидаги; Спутник-9 мавзеси, 7 ва 8-уйлар орасидаги; Спутник-9 мавзеси, 31-уй ёнида; Спутник-9 мавзеси, 47-уй ёнида; Спутник-1 мавзеси, 60-уй; Спутник-2 мавзеси, 51-уй.

***Ҳар бирининг бошланғич нархи — 428400 сўм.***

***Кимошди савдоларига қўйилган ер майдонлари учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади. Кимошди савдолари 11.00 да бошланади.***

***Савдолар ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Мовароуннаҳр к., 16-«А» уй. Кимошди савдоларида қатнашиш учун объект нархидан 10% миқдорида закалат пули тўланади.***

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси, 10-уй, 3-қават, 35-хона.**

**Телефонлар: 136-15-29, 133-25-21.**


# Спорт





*Пойтахтимизнинг «Ўзбекистон» спорт мажмуи сув спорти саройида синхрон сузиш бўйича V анъанавий «Сув париси» халқаро турнири бўлиб ўтди. Уч кун давомида сув спорти ихлосмандлари мамлакатимиз вакиллари билан билан бир қаторда Қозоғистон, Россия, Белорусь, Ҳиндистон ва Хитойдан келган синхрон сузувчилар маҳоратидан баҳраманд бўлдилар.*

*Синхрон сузиш*

## Дарья Можаева маҳорати

Беш йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур мусобақа ўзбекистонлик қизлар ўртасида синхрон сузишнинг анча оммалашишига сабаб бўлди. Жорий йилги мусобақаларда совринли ўринлар учун асосан мамлакатимиз қизлари кураш олиб боришди. Яккалик беллашувларида ҳамюртимиз Дарья Можаева барча рақибларини ортда қолдириб биринчи ўринни эгаллади. Россиялик Анна Ходикинага иккинчи, Белорусь давлати вакили Ольга Ушаковага эса учинчи ўрин насиб этди. Гуруҳ чиқишларида ҳам ўзбекистонлик қизларга тенг келадигани топилмади. Қозоғистон терма жамоаси иккинчи, мамлакатимизнинг иккинчи жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Жуфтлик баҳсларида хитойлик Жианг Жин Жин ва Жианг Вен Венлар шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олишди. Россия ва Қозоғистон жамоалари кейинги совринли ўринларни банд этишди. Энг сўнгги -эркин чиқиш баҳсларида ҳам ўзбекистонлик қизлар биринчи бўлишди. Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг иккинчи жамоаси иккинчи ва учинчи ўринлардан жой олишди.



— Мусобақада олти кишилик жамоа билан иштирок этдик, — дейди Россия терма жамоаси катта мураббийси С. Аҳмедова. — Александра Климцова ва Александра Ушакова сингари Россия чемпионатлари совриндорларига қарши ўзбекистонлик қизлар тенгма-тенг кураш олиб боришди. Бу мамлакатингиз қизларининг маҳорати йилдан-йилга ошиб бораётганлигини исботлайди.

Ўтган шанба куни мусобақанинг тантанали ёпилиш маросими бўлди. Ғолибларга тадбир ташкилотчилари — Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Синхрон сузиш федерацияси ва ҳомий ташкилотлар томонидан эсдалик совғалари берилди.

**Ж. ЗИЁДУЛЛАЕВ.**
**Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.**

*Хушхабар*

## Боксчиларимизнинг Анталиядаги ғалабаси

Газетамиз саҳифаланаётганда Анталиядан ажойиб хушхабар олдик. 22, 28 ноябрь кунлари Туркиянинг мазкур шаҳрида талабалар ўртасида ўтказилган биринчи жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз ўзларининг нималарга қодир эканлигини яна бир бор исботлашди.

Дунёнинг ўттиздан ортиқ мамлакатидан 140 нафар боксчи иштирок этган мусобақада вакилларимиз битта олтин, тўртта кумуш медалларни қўлга киритишди.

Энг оғир вазн тоифасида чирчиқлик Рустам Саидов барча рақибларини енгиб жаҳон чемпиони бўлди. Бухоролик Фозил Файзиев, Аббос Атоев, навоийлик Азиз Улуғов ва жиззахлик Абдуғаффор Умаров ўз вазн тоифаларида кумуш медаллар совриндорлари бўлишди.

**З. ТОШТЕМИРОВ.**

*Оғир атлетика*

### Ўзбекистон кубоги якунланди

Тошкентдаги Марказий ҳарбий спорт клубида оғир атлетика бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари якунланди.

Қизлар ўртасида кечган баҳсларда Зарафшон шаҳри вакиллари Е. Асланова, Е. Солиева, Л. Худойқулова ва О. Подгорная, фарғоналик Е. Сысоева ҳамда андижонлик К. Чермашевалар ҳам ўз вазн тоифаларида ғолибликни қўлга киритдилар.

Ўғил болалар ўртасида Тошкент вилоятидан Р. Алпанов, Л. Сулаймонов, Зарафшон шаҳридан Н. Тоғаев, А. Ўринов, Нукусдан Б. Мендибоев, Тошкент шаҳридан М. Чашимов, Бухородан Ф. Саидов ва Фарғона вилояти вакили А. Мартемяновлар ўз вазн тоифаларида энг юқори кўрсаткичларга эришдилар.

*Футбол*

### Иккинчи йўлланма «Тўпаланг»да

Биринчи лига жамоалари ўртасида олий лигага йўлланма берувчи финал беллашувлари якунланди. Газетамизнинг ўтган сонида биринчи йўлланмани Ғузорнинг «Шўртан» жамоаси қўлга киритганлиги ҳақида хабар бергандик. Иккинчи йўлланма сўнгги — учинчи турда Қувасойнинг «Цементчи» жамоасини (3:1 ҳисобида) мағлубиятга учратган Сариосиё туманининг «Тўпаланг» жамоасига насиб этди.

**З. ЖОНИБЕКОВ.**


«ХАЛҚ БАНКИ»

Мижозларга замонавий банк хизмати турларини жорий этган ҳолда «Ишонч» ва «Барака» сўм пластик карточкаларидан фойдаланишни таклиф этади.

*Мазкур пластик карточкалар орқали — савдо муассасалари, ёнилғи қуйиш шохобчалари, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи тармоқлардан товарлар ва кўрсатилган хизматларга нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш ҳамда исталган вақтда нақд пул олишингиз мумкин.*

*Пластик карточка соҳиби ўз маблағлари дахлсизлигини ошириш билан бир қаторда белгиланган фоиз даромадларини олиш имкониятига эгадир.*

*«Ишонч» ва «Барака» пластик карточкаларига «Халқ банки»нинг барча туман (шаҳар) филиалларида эга бўлишингиз мумкин.*

*«Халқ банки»нинг пластик карточкалари — бу Сизнинг кафолатланган ҳамёнингиздир!*


«Соғлом авлод учун» журнали жамоаси «Қишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррири Ўткир Раҳматга волидаи муҳтарамаси **ПЎЛАТ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси меҳнат жамоаси «Ўзгеобурнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик жамияти бош директорининг биринчи ўринбосари А. Қодировга волидаи муҳтарамаси **Роҳила ая СУЛАЙМОНОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Банк тизимида методология ишларини мувофиқлаштириш департаменти директори ўринбосари Мавлон Марпатовга падари бузруквори **ДАДАШХОН отанинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси жамоаси «Қишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррири Ўткир Раҳматга волидаи муҳтарамаси **Пўлат аянинг** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Менежмент кафедрасининг доценти **Марғуба Воҳидовна КАРИМОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси, «Марказий Осиё маданияти» халқаро газетаси жамоалари «Қишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррири Ўткир Раҳматга онаси **ПЎЛАТ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Назарий кимё кафедрасининг доценти Ш. И. Каримовга падари бузруквори **Исмат ота КАРИМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —968. 22129 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятга ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[T]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.10 23456